

## ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИКАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 307-гуруҳ курсанти  
Холмўминов Жавоҳир Абдуносир ўғли*

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблиги, хуқуқбузарликлар профилатикаси фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича фаолияти тушунчаси, хуқуқбузарликлар профилатикаси фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришнинг бугунги кундаги ҳолати ва профилатика инспекторининг хуқуқбузарликлар профилатикаси фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Бундан ташқари хуқуқбузарликлар профилатикаси фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бо’йича нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган процессуал ҳужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек, айрим турдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар илгари сурилган. Шунингдек хуқуқбузарликлар профилатикаси фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича бошқа хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаш томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомилаштириш йўналишлари ёритиб ўтилган.

### **ANNOTATION**

The topic, the concept and content of the organization and coordination of crime prevention, the current state of improvement of the organization and coordination of crime prevention and the peculiarities of the organization of crime prevention in this dissertation. Practical analysis of the norms for improving the organization and coordination of crime prevention and procedural documents in the framework of this activity, the problems and shortcomings in this activity, as well as a number of recommendations to address some types of existing problems and shortcomings.

The best practices of other foreign countries in improving the organization and coordination of crime prevention, as well as differences and similarities from our national legislation, as well as ways to improve these activities using the above aspects are highlighted.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Юртимизда мустақиллик йилларида ички ишлар органлари тизимини такомилаштириш борасида мазмун-моҳиятига кўра мисли кўрилмаган кенг

кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини жиноятчиликка қарши курашишнинг бош йўналишига айлантириш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш бўйича пухта ўйланган ва изчил ҳаракатлар амалга оширилди.

Бурунги кунда ҳуқиқбузарликлапга қарши кураш, унинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва олдини олишда кўп жихатдан профилактика инспекторининг фаолиятида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш қай даражада самарали амалга оширилишига боғлик бўлиб турибди.

Хозирги кунда профилактик чора тадбирларин амалга оширишда профилактика инспекторларининг роли кенгайиб, улар маъмурий ҳудудда маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари билан биргаликда, ҳар бир кўча, ҳар бир хонадонга бирма-бир кириб, фуқароларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиш, таклиф ва тавсияларини беришлари муҳим масалалардан бири ҳисобланиши лозим.

Шунингдек, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши, бунда:

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканни ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий куйи бўғини ҳисобланиши;

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканни негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилиши;

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканни томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланиши белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Профилактика инспекторлари фаолияти тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди, тизим ходимларига янги вазифалар юклатилди ва хизмат олиб бориш учун тегишли шарт-шароитлар яратилмоқда. Юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2022 йи 25 октябрьдаги Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида “Янги Ўзбекистонда «Инсон қадри учун» деган эзгу тамойил асосида олиб бораётган ислоҳотларимизни ҳаётга муваффақиятли жорий этишда ички ишлар тизими

ходимлари давлатимиз ва жамиятимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат килмоқда”<sup>1</sup> деган сўзлари бежиз айтилмаган.

Бу айникса, хуқуқбузарликларга қарши курашнинг муҳим таркибий қисми бўлган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун катта аҳамият касб этади, чунки профилактика инспекторининг фаолиятида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва уни мувофиқлаштириш алоҳида ўринга ва ўзига ҳос хусусиятга эгадир.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳит яратиш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари парламентга Мурожаатномасида ҳуқуқ-тартибот идораларини аҳоли осойишталиги ва фуқаролар манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айлантиришга қаратилган ислоҳотлар изчил давом этирилишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармонининг 16-мақсадида “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш” қўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда унинг ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Профилактика инспекторларининг ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги самарали фаолиятини таъминлаш масаласи ҳам шулардан биридир. Зеро, Президент таъкидлаганидек, “...ислоҳотларимиз натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти аввало маҳаллада сезилади. Шу маънода, «маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси», десак, тўғри бўлади. Шунинг учун барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, одамлар сезадиган натижани таъминлаши шарт»<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 26 март куни «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги саъй-ҳаракатларни мазмун жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиша дастуриламал ҳисобланади. Зеро, мазкур ҳужжат орқали мамлакатда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизmlарини ташкил

<sup>1</sup> Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг “Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига йўллаган табриги”дан 2022 йил 25 октябрь

<sup>2</sup> [https://aza.uz/uz/posts/mahalla-obod-bolsa-yurt-obod-boladi\\_250789](https://aza.uz/uz/posts/mahalla-obod-bolsa-yurt-obod-boladi_250789)

етиш белгиланган. Буни Фармонда кўрсатиб ўтилган қуидаги йўналишлар ҳам тасдиқлайди:

— ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

— ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

— «республика – вилоят – туман – маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

— ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ташкил этилди. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргалиқда ишлашини ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуий бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Бундай институционал ўзгаришлар нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти самарадорлигини оширади, балки жамоат хавфсизлигини таъминлашда замонавий механизmlарни жорий этиш имкониятларини кенгайтиради.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ички ишлар органлари ходимларини «Инсон қадри учун» тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содик,

ватанпарвар ва халқарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш мумкин бўлади. Бунинг учун соҳа ходимларини профессионал етуклигини сифат жихатидан янги босқичга кўтариш мақсадида “маънавий-маърифий ишларни «таълим муассасасидан — хизматнинг охирига қадар» тамойили асосида тизимли ва узлуксиз ташкил этиш орқали уларнинг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш” мумкин.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфизлигини таъминлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуий бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Бу эса ўз навбатида республикамида жиноятчиликнинг камайишига хизмат қилмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ти Конуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти Конуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 26 март куни “Жамоат хавфизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жихатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январь куни “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти 60-сонли Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.01.2023 йилдаги ПҚ-10-сон қарори
6. Хўжақулов С.Б. Хукуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул мухаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.